І-90894

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

9 август, сешанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 155 (903)

АВСТРАЛИЯ ПАРЛАМЕНТИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

8 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида Олий Кенгаш Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халиловнинг танишув мақсадида республикамизга ташриф буюрган Виктория (Австралия) штати парламентининг Ж. Коннард бошчилигидаги делегацияси билан учрашуви бўлди.

Дўстона вазиятда ўтган учрашув чоғида Э. Халилов меҳмонларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида, келажаги буюк давлат барпо этишнинг республика Президенти И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойили ҳақида, тараққиётда танлаб олинган ўзига хос йўл тўғрисида гапириб берди. Меҳмонларга шунингдек Олий Кенгашнинг қонунчилик фаолияти ва, мустақилликка эришилганидан кейин рўй берган ижтимоий ва сиёсий ўзгартишлар тўғрисида муфассал ахборот берилди.

Меҳмонлар таклиф этилганликлари ҳамда илиқ кутиб олинганликлари учун миннатдорчилик изҳор этдилар ва Ўзбекистон билан дўстона алоқалар ўрнатилишига истак билдирдилар.

Австралия парламенти вакилларининг ташриф дастурига мувофиқ вазирликлар ва идораларда бир неча учрашув ўтказиш, Самарқанд ва Бухоро шаҳри билан танишиш назарда тутилган.

***

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов 8 август куни Австралиянинг Виктория штатидаги Либерал партия котиби, парламент аъзоси Жеффери Коннард раҳбарлик қилаётган Австралия парламенти делегацияси билан учрашди.

С. Саидқосимов меҳмонларга республикамиз ҳукуматининг ташқи ва ички сиёсати, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот хусусида сўзлаб берди. Делегация аъзоларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган мазкур делегация аъзолари — соғлиқни сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ҳуқуқ ва қонунчилик масалалари бўйича мутасаддилардан иборат. Улар бир неча кун мобайнида республикамизнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёти билан яқиндан танишади.

(ЎзА).

ТАШКИЛОТ ҚЎМИТАСИ ЙИҒИЛИШИ

6 август куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз мустақиллиги кунининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Яқинда Республика Президенти Ислом Каримов ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик ишлари қандай бораётгани билан танишиб, халқимиз ҳаётидаги буюк байрамни ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтказиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган, бу борада тегишли йўл-йўриқлар берган эди. Йиғилишда улар қандай ижро этилаётгани муҳокама қилинди. Тегишли вазирлик ва идоралар вакилларининг ана шу хусусдаги ахбороти тингланди.

Йиғилишда қутлуғ байрамга пухта ҳозирлик кўриш, айниқса, кенг кўламли ободончилик юмушларини вақтида амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистонга ташрифим чоғида менга кўрсатилган меҳмондўстлик учун Сизга астойдил миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Сизнинг гўзал мамлакатингизда олиб борган музокараларим, шунингдек яҳудийлар мероси ҳам ўзига хос из қолдирган қадимий Самарқандга унутилмас ташрифим халқларимиз ва мамлакатларимиз муштарак манфаатларга эга эканлигини кўрсатди. Самимий суҳбатларимиз мобайнида Ўзбекистонни ривожлантириш учун Сиз танлаган йўлни юксак баҳолаш имконига эга бўлдим. Айни шундай ёндашув XXI аср бўсағасида мамлакатингизнинг ҳар томонлама равнақига ёрдам беради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун бундан буён ҳам саъй-ҳаркатимни аямайман. Бу ҳамкорлик Сиз билан муҳокама қилган соҳаларда амалга оширилади. Энг аввало бу — қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, саёҳатчилик, иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорликдир. Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, халқларимиз фаровонлиги йўлида кўпгина ишлар қилиниши зарур ва мен ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш учун бутун куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Жаноби олийлари, мени ва делегациямиз аъзоларини самимий қабул қилганингиз учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор қилмоқчиман. Музокараларимиз тез орада яна давом эттирилади, деб умид қиламан.

Самимият билан Шимон Перес,
Исроил ташқи ишлар вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикада дори-дармонлар сотишни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармонини бажариш юзасидан "Республикада дори-дармонлар ва тиббий жиҳозлар билан таъминлашни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди.

Қарорда мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча дорихона муассасаларида чекланган чакана нархларда сотиладиган дори-дармонларнинг рўйхати келтирилган ва уларни сотиш қоидалари тасдиқланган.

Адлия вазирлигига бошқа манфаатдор идоралар ва вазирликлар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикаси маъмурий қонунбузарликлар кодексига дори-дармонлар ва тиббиёт жиҳозларини сотиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтирувчи ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиш топширилди. Давлат мулкини бошқариш ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ва "Дори-дармон" давлат акционерлик уюшмасига 1994 йилнинг иккинчи ярмида дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ташкилий тадбирларни амалга ошириш топширилди.

"Ўзфармсаноат" концернига Ўзбекистон Фанлар академияси, Давлат фан ва техника қўмитаси ва "Экосан" халқаро жамғармаси билан биргаликда республикада маҳаллий гиёҳлар хомашёсидан дори-дармон тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ берилди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига Миллий банк ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Европа иттифоқи комиссияси дори-дармонлар ва тиббий жиҳозлар импорти бўйича берган кредитни сентябрь ойида расмийлаштириш тавсия этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига "Дори-дармон" уюшмаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларига дори-дармонлар, вакциналар ҳамда тиббиётда қўлланиладиган жиҳозларни сотиб олиш учун марказлашмаган манбалардан молиявий маблағ, валюта ажратиш тўғрисида кўрсатма берилди.

БУЮК МУНАЖЖИМ ТЎЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Улуғбекнинг киндик қони тўкилган Самарқандда мунажжимнинг 600 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу баҳона Регистон ансамблидан жой олган Улуғбек мадрасасида таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу ишга 20 та қурилиш ташкилотлари ва Улуғбек номидаги меъморчилик ва қурилиш институти талабалари жалб этилган. Катта юмушни бажаришда самарқандлик нақкош, кошинкор-ганчкор, рассом, усталарга Хива, Бухоро ҳамда қўқонлик ҳамкасблари ёрдам беришаётир.

СУРАТДА: "Рассом" фирмаси заргари Алишер Ёқубов иш устида.

УЛУҒ БАЙРАМ АРАФАСИДА

Тошкент чинни заводи аъзолари истиқлолнинг 3 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўришаётир. Заводнинг қўли гул жамоаси тайёрлаётган сервислар нафақат Ўзбекистонда балки хорижликларни ҳам ҳайратга солмоқда.

СУРАТДА: дугоналар Севара Ҳикматова ва Зуҳро Аҳмедовалар донмо бамаслаҳат ишлашади.

АНДИЖОН ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Андижон вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Республика Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқларида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Қ.Обидов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни, хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш, ҳуқуқ-тартибот органлари, солиқ инспекциялари ишини такомиллаштириш, аҳолига савдо, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳаза билдирди.

Йиғилишда Республика Олий Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Э.Халилов сўзга чиқди.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Наманганда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг сессиясида ва республика Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярим йил якунларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев маъруза қилди. Президент ўз нутқида айтиб ўтган айрим салбий ҳодисалар Наманганда ҳам мавжудлиги таъкидланди. Иқтисодий ислоҳотларни тағин ҳам жадалроқ амалга ошириш керак. Меҳнат жамоалари жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариш тўғрисида жон куйдиришлари лозим. Фермер хўжаликлари, давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар, савдо ва маиший хизмат иншоотлари истеъмол бозорини тўлдиришга ўз ҳиссасини қўшиши зарур.

Йиғилиш иштирокчилари йўл қўйилган камчиликларни тугатиш, халқ хўжалиги барча соҳаларининг фаолиятини яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгиладилар.

Фаоллар йиғилишида республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов нутқ сўзлади.

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

"Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруви раёсатининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида маҳалла фаоллари олдига қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Жамғарма раиси Ш. Темуров шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар маҳаллалар ижтимоий, иқтисодий масалаларнигина эмас, балки маънавий ҳаёт даражасини юксалтиришда ҳам катта имкониятга эга экани, бу борадаги фаолиятни янада ривожлантириш зарурлиги ҳақида гапирди.

(ЎзА).

"ВОЛГА" БЎЙИДА ДАМ ОЛИШАДИ

Бухоролик ўттиз нафар ўқувчи ёзги таътилни Россиянг Волга бўйида жойлашган "Электроника" болаларни соғломлаштириш лагерида ўтказади. Бухоро ва Костроманинг маҳаллий маъмурлари шундай айрибошлаш тўғрисида келишишди. Шартномага биноан, Бухоронинг хушманзара ерида жойлашган "Ёш тўқимачи" лагери костромалик бир гуруҳ ёшларни қабул қилди.

• *Шу кунинг гапи*

ХАЙР ҲИСОБОТ, САЛОМ, ҲИСОБОТ!

Планлаштириш тоталитаризмнинг суянган устунларидан бири эди. КПСС раҳнамолигида қатор-қатор "тўрт йиллик", "беш йиллик" планлар қабул қилинган қилинган эди. Улар эса, асосан, бир мақсадга — "Америкадан ўзиб кетиш"га йўналтирилган, аммо гарчанд етмиш тўрт йил давомида ҳаммаси "ортиғи билан" уддаланиб келинган бўлса-да, барибир Америкадан ўтолмадик, ўтиш у ерда турсин, ҳатто етолмадик ҳам.

Лекин ҳозир биз бошқа гарса — шу планларнинг бажарилиши бўйича квартал, ярим йиллик ёки йил якунига бағишлаб ўша даврда ўтказилиб туриладиган мажлислар хусусида сўз юритмоқчимиз.

Улардан қуйидагилар кўзланганди:

бири биридан уқувсиз олий табақа раҳбарларнинг мавқеини янада мустаҳкамлаш. Бунда бош қурол сифатида қўрқитув услуби қўлланиларди. Жамоаси белгиланган планни бажара олмаган бошлиқлар ер билан яксон қилиниб, сўнг олдиндан тайёрлаб қўйилган қарорга бийоан мажлис залининг ўзидаёқ ишдан бўшатиларди. Режани чала бажарганларнинг бошига эса ёмғирдек ҳақорат ёғиларди...

Ва шу тариқа жами бўғин раҳбарларининг жилови янада қаттиқроқ тортиларди. Қўрқитув услубининг тағин бир жиҳати шунда эдики, у нафақат мутеликни кучайтирар, балки лаганбардорликка ҳам кенг йўллар очарди.

Лавозимидан қувилмаслик ёки мажлисларда иззат-нафслари топталмасликлари учун хўжалигу корхоналар, туманлару вилоятларнинг бошлиқлари таг-замини ҳаводан тикланган ўша нореал планларни бажаришга навбатида, порахўрликни авж пардасига чиқариб юборувди.

Иккинчиси, фақат битта: "Планга қўшимча равишда фалон миқдорда социалистик мажбурият" хусусидаги ташаббусдан бошқа ҳар қандай ташаббус қатъий ман этилганди.

Шуниям таъкидламоқчимизки, ўша эски мажлислар минглаб раҳбарларнинг шўроларча ҳисобот бобидаги "малака"сини оширди, улар "истеъдоди"нинг янги-янги қирраларини "кашф этди". Натижада ҳисоботда шундай устаси фаранглар пайдо бўлишдики, улар гиж-гиж рақамлару (ушбу рақамлар орасида "бир юзу эллик фоиз", "икки юз фоиз" кабилари тўлиб-тошарди), "Партия-ҳукуматимизнинг доно кўрсатмалари...", "Жонажон партиямизга ташаккур!.." каби қип-қизил жумлалардан иборат маърузаларни минбардан туришиб, кўпини мудроқ қоплаётган мажлис аҳлига худди севги ҳақида шеър ўқишаётгандай, қалблари ҳаяжондан жўшиб-жўшиб ўқишарди.

Мажлис ниҳоясида, жазоланиши режалаштириб қўйилган бошлиқлар "ҳақи"ни олишгач, одатга кўра, бирор бир "ватанпарвар" раҳбар ўз жамоаси номидан "Планга қўшимча равишда фалон миқдорда социалистик мажбурият" олишларини айтар ва ушбу "ташаббус" бир овоздан қўллаб-қувватланиб, уни "кенг ёйиш" ҳақида мурожаатнома қабул қилинарди.

Аммо аслида эса ҳисоботнинг (том маънодаги ҳисоботнинг!) аҳамияти ниҳоятда катта.

Инсоният борки, ҳисобот мавжуд. Ёши, миллати, ирқи, касбидан қатъий назар, деярли ҳар бир одам қадим-қадимдан ўз виждони олдида ҳисоб беришга уринади. Ва шундан сўнг руҳи енгил тортиб, кўзи нурга, бели қувватга тўлгандек бўлади, кўнглидаги иккиланишлари йўқолиб, у ўз умр дафтарининг янги саҳифаларини саодатмандлик ила бойитишга тушади.

Ҳисоботнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти бундан-да беқиёс. У босиб ўтилган ҳар бир қадамни худди кўзгудагидек аниқ ва равшан акс эттира олади. Бу эса тўпланган тажрибаларни умумлаштириш билан биргаликда, улардан объектив хулоса чиқариб, жамият олдида турган галдаги энг муҳим муаммоларни ўзаро маслаҳатлашиб, баҳамжиҳат ечиш йўлларини қидириш борасидаги қудратли воситадир.

Аммо, боя таъкидлаб ўтганимиздек, ушбу бебаҳо омил тоталитаризм даврида одамлар юрагига мутелик уруғини сепувчи, уларнинг нафақат танаси, балки миясиниям фалажлантириб, лоҳас бир вазиятга тушириб қўядиган даҳшатли олабўжига айлантирилганди.

ЭНДИЛИКДА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИСОБОТ АСЛ ҲОЛИГА ҚАЙТАРИЛАЁТИР.

Мамлакатимизда ўтказилаётган "якуний" мажлислар бунга яққол гувоҳдир. Ушбу йиғилишларда ҳеч ким "Нега уни бажармадинг, нега буни бажармадинг?!" деб тергалмайди, уларга ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмайди. Аммо нотиқлардан аравани қуруқ опқочмаслик, қилинган юмушларга танқидий нуқтаи назардан ёндашган ҳолда фикр-мулоҳазалар билдириш талаб этилади.

Ҳисоботлар, масалан ярим йиллик иш якунлари бўйича ҳисобот нимага керак? Бу хусусда 29 июлда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда Ўзбекистон Президенти таъкидлагандики, у фаолиятимизнинг устивор йўналишларини белгилаб олишимиз, слоҳот одамлар ҳаётига, уларнинг онгига қандай таъсир кўрсатаётгани, уни амалга ошириш жараёни изчил кетаяптими-йўқми, биз бу йўлда қандай ижобий натижаларга эришдик, қандай камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда, олдимизда яна қандай вазифалар турибди каби саволларга жавоб топиш учун хизмат қилади.

Лекин очиғини айтганда, ҳали баъзи раҳбарларимиз бу жараёнда фаол иштирок этишмаяпти. Улар ҳисоботга жиддий тайёргарликсиз келишяпти, айримлари эса рақамбозликдан нарига ўтишмаяпти, шунингдек, республикамизда кечаётган ҳозирги жараёнларнинг туб моҳияти қолиб, иккинчи даражали масалалар атрофида айланишмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ҳали айримларимизнинг онгимизда ўша эски замондаги ҳисобот психологияси сақланиб турибди. Ундан қутулиш эса ҳар бир раҳбарнинг иродасига, аммо, энг аввало, ИСТАГИГА боғлиқ...

Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• *Бирортаям танқид натижасиз қолмаслиги керак*

"НАРХНИ БОЗОР ЭМАС, ОЛИБ СОТАРЛАР БЕЛГИЛАЯПТИ"

("ХАЛҚ СЎЗИ" 1994 йил 30 июнь)

КЕСКИН ЧОРАЛАР КЎРДИК

Ушбу танқидий мақола юзасидан Сирдарё вилояти ҳокими Ғулом ҲАСАНОВ жавоби:

— Мақола вилоят ҳокимлигида тегишли ташкилот раҳбарлари ҳамда унинг муаллифи — "Халқ сўзи"нинг вилоятимиз бўйича мухбири иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Чайқовчиларга нисбатан кескин чора кўрилиб, ғайриқонуний равишда сотилаётган моллар мусодара этилди. Нархни сунъий равишда ошираётган, енгил пул топиш йўлига ўтиб олган олибсотарларнинг пайини қирқиш, шунингдек, бозорларни халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бозор расталари эндиликда фақат деҳқонларга бериляпти.

Гулистон шаҳар ҳокимлиги шаҳарга яқин бўлган жамоа, давлат, ширкат хўжаликлари деҳқонлари ўз маҳсулотларини қийналмай бозорга олиб боришлари учун 6 та йўналиш бўйича автобус қатновини йўлга қўйди. Автобуслар, асосан, уларни эрталаб бозорга олиб келиб, кечқурун уйларига элтиб қўйиш билан шуғулланади.

Вилоятдаги мавжуд 12 та деҳқон бозори маъмурияти ҳамда ходимлари аттестациядан ўтказилаяпти. Вилоят бўйича ҳуқуқий органлар, солиқ, санитария-эпидемиология, маҳалла қўмиталари ҳамда ҳокимлик вакилларидан иборат бўлган 50 та гуруҳ бозорларда доимий равишда текшириш олиб бормоқда. Мисол учун 11 июлдан 16 июлгача бўлган муддат ичида Гулистон деҳқон бозорида ҳужжатсиз ҳамда белгиланмаган жойда савдо қилган 23 киши маъмурий жазога тортилди. Улардан катта миқдорда жарима ундириб, маҳсулотлари мусодара қилинди.

• Бозорларни тартибга келтириш ҳамда уларни халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар бундан буён асло бўшаштирилмайди.

• Долзарб мавзу

Шу йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмашувини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори амалиётга жорий этила бошланди. Хўш, мамлакатимиз ҳудудидаги жисмоний шахслар манфаатлари йўлида қабул қилинган ушбу тарихий ҳужжатнинг ижроси қандай бормоқда? У қандай самара беряпти? Мухбиримиз ана шу саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ўринбосари А. Ҳ. ЭРДОНАЕВга мурожаат қилди.

Ўзбекистон сўмига — АҚШ доллари, АҚШ долларига — Ўзбекистон сўми. Хоҳлаганингизни танланг!

— Ушбу қарорнинг ижтимоий-сиёсий турмушимизда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтирмоқчи эмасман. Бу тўғрида халқимизга "Ойнаи жаҳон", радио ва газеталар орқали кенг тушунча берилди, — деди Алиқул Ҳалимович. — Ҳужжатдан кўзда тутилган асосий мақсад, қарорда белгиланганидек, пул муомаласини соғломлаштириш, сўмнинг харид қобилиятини ошириш ва ички эркин муомалада бўлишини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар фуқароларига валюта хизмати кўрсатишни яхшилаш, бунинг учун мамлакат Марказий банки ва вакил қилинган банкларни бу ишга жалб қилиш орқали алмашув пунктларини ташкил этишдан иборат. Шунга мувофиқ, банкимизда "Вакил қилинган банклар алмашув пунктларини рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳақидаги Низом", "Алмашув пункти ҳақидаги Низом"лар ишлаб чиқилди. Шунга кўра, Марказий банк ва вакил қилинган банклар муассасаларида, чегара бекатларида, аэропорт, меҳмонхоналар, шоҳбекатлар ва хорижий фуқаролар кўплаб келиб-кетадиган бошқа жойларда алмашув пунктлари ташкил этилиши кўзда тутилган эди. Шарт-шароитлардан келиб чиқиб, алмашув пунктлари доимий, вақтинчалик ва кўчма бўлиши мумкин.

Ҳозиргача Марказий банк муассасаларида 83 та, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида 109 та ихтисослашган валюта алмашув пункти очилди. Тошкент шаҳрининг ўзида эса 41 та пункт ишлаб турибди. Қисқа вақт ичида уларга 8000 нафарга яқин ҳамюртларимиз ва хорижий меҳмонлар мурожаат қилишди.

Валюта курсига келганда, у жисмоний шахслар қўлида муомалада бўлган нақд пулга ҳамда эҳтиёж ва таклифга қараб белгиланади. Буни, банк ходимлари ибораси билан айтганда, "тижорат курси" дейилади. Курснинг юқори ёки пастлигидан банклар манфаатдор эмаслигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Аҳолига таклиф этилаётган эркин муомаладаги валютани бизга республика ҳукумати ўз заҳираси ҳисобидан махсус ажратганини ҳисобга олсак, қарорнинг ижроси нечоғлик кафолатланганлиги аён бўлади. Аҳолидан келиб тушаётган эркин муомаладаги валюта ҳам хазинамизнинг ўрнини тўлдиришга хизмат қилади.

Эркин валютанинг сотилиши бўйича дастлабки маълумотларга қараганда, у Тошкент шаҳрида ва вилоятлар бўйича эса Навоийда энг юқори кўрсаткични ташкил этди. Бу ишчи ва хизматчиларнинг ёзги меҳнат таътили билан боғлиқ бўлса, ажаб эмас. Чунки шу пайтда кўпчилик хорижга чиқади, дам олишга ёки бошқа давлатлардаги қариндош-уруғларининкига меҳмонга боради.

Энди яна бир жиҳатга тўхталсак. Валюта алмашуви бошланган ана шу уч-тўрт кун ичида республика валюта биржаси курси билан Марказий банк белгилаган нақд валюта курслари ўртасидаги тафовут кўпчиликни қизиқтириши табиий. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1 АҚШ доллари курси 11 сўмдан ошиқроқ қилиб белгиланган. Аммо бу курс нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва бухгалтерия ҳисоботи учун эканлигини унутмаслик керак. Ва у Марказий банк томонидан расмий курс сифатида эълон қилинган. Бу курснинг жисмоний шахслар қўлидаги нақд пулни алмашув пунктларида эркин муомаладаги валютага алмаштириш курсига сира даҳли йўқ. Алмашув пунктларида ҳозирги кунда амалда қўлланилаётган курс эҳтиёж ва таклифни ҳисобга олиб белгиланган. Яъни, жисмоний шахслар қўлидаги бир АҚШ доллари 19 сўмга сотиб олиниб, 21 сўмга сотилмоқда.

— Бу курс миллий валюта — сўмимизнинг қадрини туширмайдими?

— Йўқ. Бироқ бу ерда бир ҳолатни тўғри англамоқ жоиз. Миллий валютамизнинг нафақат республикамиз фуқаролари, қолаверса, хорижликлар томонидан эътироф этилганлигининг ўзи катта гап. Расмий ва коммерция курслари ўртасидаги фарқ маълум вақт ўтиши билан бир-бирига яқинлашиб боради. Ривожланган мамлакатларда бу курслар ўртасидаги тафовут оз миқдорни ташкил этади. Иқтисодиётда туб ўзгаришлар амалга оширилиши, авваламбор, миллий валютанинг чет эл валютасига алмаштириш курсига катта таъсир ўтказади. Жаҳон ва ички бозор баҳолари ўртасидаги тафовутнинг узоқ муддат давомида сақланиб қолиши бир-биридан фарқ қилувчи турли валюта курслари мавжудлигини таъминловчи курслар сиёсатини юритишни тақозо этади. Ягона валюта курсига ўтиш иқтисодиёт барқарорлашган шароитдагина самарали бўлади.

Яқин қўшниларимиздан Қозоғистон Республикаси тажрибасини олиб кўрайлик. Дастлаб бу ерда 1 АҚШ долларининг расмий курси 4,68 тенгга тўғри келган. Валюта алмашув пунктларидаги курс эса 7—8 тенгени ташкил этган. 1994 йил февраль ойида расмий курс 11,5 тенге бўлган бўлса, нақд валюта курси 18 тенгега тенг эди. Қозоғистон Республикаси Миллий банки томонидан ўтказилган чора-тадбирлар ҳамда банклар орқали тенгени эркин муомаладаги валютага алмаштириш йўлга қўйилгач, маълум муддат ўтиб, эҳтиёж ва таклифга кўра, курснинг реал даражаси ўрнатилди. Яъни 1 АҚШ долларининг расмий ва коммерция курслари 13 тенгени ташкил этди. Ҳозирги кунда ҳам бу курслар ўртасида фарқ мавжуд.

Россия Федерациясида ҳам узоқ муддат давомида бир пайтнинг ўзида бир-биридан фарқ қилувчи "расмий", "коммерция", "аукцион", "биржа" ва "нақд валюта" курслари мавжуд эди. Собиқ СССР республикаларининг аксарият кўпчилигида мазкур вазият вужудга келган. Биз ҳам шу жараённи ўтказмоқдамиз.

Кези келганда, сўмни эркин муомаладаги валютага бозорда алмаштираман, дегувчиларга шундай маслаҳат берган бўлар эдик: у ердаги АҚШ долларининг қалбаки эмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. 3—4 сўм ёки АҚШ доллари фойда қиламан, деб бутун бойликдан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас. Бизнинг алмашув пунктларимизнинг ҳаммаси махсус тайёргарликдан ўтган малакали мутахассислар ва валюталарнинг ҳақиқий ёки қалбаки эканлигини аниқлайдиган замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Шундай экан, қалбаки валютани ўтказаман, деганлар ҳам овора бўлиб юришмасин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, миллий валютамиз — сўмнинг харид қобилияти ошишига ишончимиз комил. Буни эса вақт кўрсатади, — деди пировардида Алиқул Ҳалимович.

"Халқ сўзи" мухбири Сувонқул РУСТАМ ёзиб олди.

Чорва маҳсулдорлиги нега камаймоқда?

Навоий вилоятида сут ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 238 тоннага камайиб кетди. Нега?

Нурота туманининг Навоий номидаги жамоа хўжалиги 4—5 йил аввал республикадаги илғор хўжаликлардан саналар, бу ерда ҳар бир сигирдан 3 минг литрдан сут соғиб олинар эди. Хўжаликда асосан маҳсулдор қорамол боқиларди. Ҳозир ҳам ўша зотли моллар парвариш қилинмоқда. Лекин бултургига қараганда 197 тонна кам сут етиштирилди.

Хўжалик ва туман раҳбарлари ҳамда мутахассислари буни озуқа экинлари майдонининг камлиги, сув тақчиллиги билан боғламоқда. У ҳолда нега сув келтириш, озуқани кўпайтириш чора-тадбирлари кўрилмаяпти?

Ҳолбуки, бунинг учун барча имконият мавжуд. Фақат зарур техника ва ишчи кучи ажратилиб, озуқа жамғаришни ташкил этиш зарур. Айни пайтда туманда қарийб 1000 гектарга яқин суғориладиган ва 4000 гектардан ортиқ лалми ердаги ғалла йиғиштирилмаган. Ана шу майдонлардан сомон, яъни чорва озуқаси тўплаш имкони ҳам бой берилмоқда.

Айрим раҳбарларга ўтган қишловдаги қийинчиликлар сабоқ бўлмаган кўринади. Акс ҳолда шу йилнинг дастлабки олти ойида 59 бош қорамол нобуд қилинмас ва 144 бош қорамол сўйилмас эди.

Навбаҳор туманида ҳам чорва моллари тўйдириб боқилмаётгани оқибатида сут соғиб олиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 217 тонна камайди. "Зарафшон" жамоа хўжалигидаги "Мустақиллик" ҳиссадорлик жамияти ва "Гигант" давлат хўжалиги фермасида сигирлар маҳсулдорлиги 50—60 тонна камайган.

Хуллас, вилоятда турли баҳонаю сабабларни бир четга қўйиб, чорвачиликни ривожлантиришга жиддий киришмоқ зарур.

И. ХУДОЙҚУЛОВ, ЎзА мухбири.

ГЕНЕРАЛ ОРЗУ ҚИЛГАН БОҒ

Милиция генерали, марҳум Ғуломжон Зокиров "Хизматдан истеъфога чиққач, она қишлоғим Арзиктепада боғ яратсам, кишилар яйраб дам оладиган манзилгоҳ қурсам", дея орзу қиларди. Афсуски, умр вафо қилмади. Милиция майори Усмонжон Зокиров истеъфога чиққач, акаси орзусини амалга оширишга бел боғлади.

Арзиктепада 40 сотих ерга олма, шафтоли, ўрик каби мевали дарахт кўчатлари экиб, мўъжазгина боғ яратди. Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур боғ ҳудудида техникадан фойдаланишнинг имкони йўқ. Шунинг учун кўчатларни экишдан тортиб парваришгача барча ишлар қўл кучи билан амалга оширилмоқда. Ҳозирда Усмонжон ака барпо этган боғ ҳосилга кирди. Унинг мевасидан маҳалладаги кам даромадли оилалар, Қўқон шаҳридаги болалар уйи тарбияланувчилари, Отабоев номли болалар ревматик санаторийси дам олувчилари бепул баҳраманд бўлмоқдалар.

Усмонжон ака табиатан ташаббускор, янгиликка ўч киши. У жияни Адҳамжон Ваҳобов билан бирга "Найман" жамоа хўжалигидан фойдаланилмаётган товуқхона биносини сотиб олиб, ҳозирда 100 бош қорамол боқишга мўлжалланган молхона қурмоқда. Айни пайтда бу чорвачилик-фермер хўжалигида 12 бош қорамол, 12 та новвос, 7 та бия бор. Хўжаликдаги деярли барча ишлар от-арава ёрдамида бажарилади. 1 гектар майдонда озуқа экинлари етиштирилмоқда.

Ҳозир Арзиктепа қишлоғида Усмонжон аканинг ташаббуси билан барпо этилган чойхона, ошхона, сартарошхона ва бошқа маиший бинолар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. "Найман" жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистон халқ депутати Абдуқаҳҳор Ниёзов фермер хўжалигида тез-тез бўлиб, зарур масалаларда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ўзбеклар қадимдан отни содиқ йўлдош, яқин кўмакдош сифатида эъзозлаб келишган. Полвонтабиат, уста чавандоз бўлган Усмонжон аканинг ҳам зотдор, улоқчи отларга меҳри беқиёс. У доимо зотли отларимиз камайиб кетаётганлигидан, умуман, жойларда йилқичиликка эътибор сустлигидан куйиниб юради.

— Отдек беминнат кўмакчини қаердан топасиз,— дейди Усмонжон ака.— Мақсадим хўжалигимизда қорамоллар билан бирга зотли қорабайир отларни кўпайтириш. Отлар қишлоқ хўжалик юмушларини сифатли бажаришн билан бирга теварак-атроф мусаффолигига зарар етказмайди.

Генерал акаси орзусини амалга оширган истеъфодаги милиция майори Усмонжон аканинг эзгу ишлари ҳақида "Найман" жамоа хўжалигидагина эмас, Данғара туманида ҳам илиқ фикрлар эшитасиз.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ, "Халқ сўзи" мухбири.

Суратда: ташаббускор фермер, истеъфодаги милиция майори Усмонжон Зокиров.

Муаллиф олган сурат.

• *Қишлоқда ислоҳот қандай бормоқда?*

«ВАРЗОНЗЕ» ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚЯПТИ

Бозор қадоқ қўлларидан кетмон тушмаган деҳқонга дастгоҳни ҳам бошқаришни ўргата олади. Унга фақат зарур шароит ва имконият яратиб бериш керак, холос. "Астойдил йиғласа, сўқир кўздан ҳам ёш чиқар" деганлари бежиз эмас-ку, ахир. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида Бухоро вилоятида ҳам анчамунча ишлар қилинмоқда, қўшма корхоналар ташкил этилмоқда.

Яқинда Шофиркон туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигида Туркиянинг "Бурсал" фирмаси билан ҳамкорликда "Варзонзе" қўшма корхонаси иш бошлади. Унда 500 га яқин қишлоқ қизлари ишлайди. Улар бир сменада 3 минг дона эркаклар кўйлаги тикишади.

Фабрикага Германия, Япония, Америка ва Испанияда ишлаб чиқарилган ускуналарнинг энг сўнгги маркалари ўрнатилди. Ҳолбуки, "Бурсал" фирмаси президенти Салим Қоптон ўғли жанобларининг айтишича, бундай ускуналар Эронда ҳам, Туркиянинг ўзида ҳам йўқ. Ҳозирча қўшма корхонанинг жорий ҳисобида 500 минг доллар маблағи бор. Корхона раҳбарлари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган материаллардан ташқари, Хитой, Покистон ва Туркиядан ҳам чиройли газламалар олиб келиб, тайёр маҳсулотга айлантирган ҳолда жаҳон бозорига чиқишни ният қилиб қўйганлар.

Ҳозирча турк усталари қишлоқ қизларига сифатли кўйлак тикиш сирларини ўргатишмоқда. Тошкент ва Бухородаги айрим магазинларда хорижий куйлаклар 8 доллардан сотиляпти, сифати паст. Ҳолбуки, бу ерда тикилаётган кўйлаклар нархи бор-йўғи 3,5 долларни ташкил этаётир. Тез орада икки қаватли мазкур бинонинг иккинчи қаватида бир йилда 2 миллион 800 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқарадиган фабрика ҳам ишга тушади. Демак, яна 60-75 киши иш билан таъминланади.

— Корхона бизнинг ҳудудимизда ташкил топишига сабаб, ўзимиз уни қуриш ташаббуси билан чиқдик, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Маҳмуд Мажидов. — Вилоят ҳокими Мавлон Раҳмонов илтимосимизни қўллаб-қувватлагач, иш бошланиб кетди. Бизга тумандаги барча жамоа хўжаликлари пахта толалари билан кўмаклашиб турдилар. Шу учун ҳам, иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, фабрика қурилиши тўхтаб қолгани йўқ. Мана, бугун унинг очилиш маросимини кўриб турибсиз. Биласизми, ҳар бир кўйлакдан бизга бир доллардан соф фойда қолади. Бу — бир йилда 1 миллион доллар дегани. Вилоят раҳбарлари, шунингдек, жамоа хўжалигимиз ҳисобига валюта ҳисоб рақамини очиб беришга ваъда беришган.

Жамоанинг давлатдан ҳеч қандай қарзи йўқ. Қолаверса, хўжаликдаги консерва цехи ҳамда ғишт заводи ёнида яна бир янги корхона — "Варзонзе" иш бошлади. Оппоқ-оппоқ тикув машиналари олдида қалдирғочдек тизилиб, бир маромда ишлаётган қизлар бундан икки-уч ой олдин далада жавлон уришарди. Бугун улар дунё мамлакатларида яратилган энг сўнгги маркадаги тикув машиналарини ҳеч қийналмай бошқаришмоқда.

Қўшма корхонанинг 69 фоиз даромади хўжаликда қолса, 31 фоизи шерикларга тегади. "Бурсал" фирмаси президенти Салим Қоптон ўғли жаноблари шундай дейди: "Менинг иккита ғоям бор: Бири — ота Туркистонга хизмат қилиш, иккинчиси эса "Бурсал" фирмаси манфаатидир..." Шофирконликлар ҳам худди шундай, она-Ватан ва "Варзонзе" манфаатини юксак қадрлашларига ишонамиз.

Карнай-сурнай наволари янги фабриканинг очилишидан далолат бермоқда. Ушбу қутлуғ дамларни бир умр хотирасига муҳрлаш учун шофирконликлар қатори вилоят ҳамда барча туман раҳбарлари таширриф буюришган. Табриклардан сўнг вилоят ҳокими Мавлон Раҳмонов қизил лентани қирқар экан, "Бу корхона тўхтовсиз ишлаб, халқимизга хизмат қилсин", — дея тилак билдирди. Ҳа, бугунги иқтисодий тақчиллик даврида тўхтовсиз ишлашнинг ўзи жасоратдир. Биз ҳам ана шу жасорат "Варзонзе"га ҳамроҳ бўлиб қолишини истаймиз.

Маннон ОТАБОЙ, "Халқ сўзи" мухбири.

• *Тожикистондан хабарлар*

ЮНЕСКО БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КОМИССИЯ

Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши республикада ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия тузиш тўғрисидаги низомни тасдиқлади. Комиссия фаолияти учун зарур маблағлар республика бюджетидан ажратилади.

ЯНГИ ҚОҒОЗ ФАБРИКАСИ

Тожикистон Республикаси Матбуот ва Ахборот вазирлиги билан "Либро Интернейшнл Холдинг групп" халқаро корпорацияси ўртасидаги битимга мувофиқ Душанбе шаҳрида қоғоз ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қурилади. Корхона учун зарур хомашё республиканинг ўзидан топилади. Бунинг учун қоғоз макулатурасидан, пахта чиқиндиларидан кенг фойдаланилади.

ШВЕЙЦАРИЯДА ТОЖИКИСТОН КОМПАНИЯСИ

Экспорт операциялари самарасини ошириш ва Тожикистон республикасининг иқтисодиётига хорижий компаниялар сармоясини жалб этиш мақсадида Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Швейцария Конфедерациясида давлат молия компаниясини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Компаниянинг дастлабки маблағи бир миллион швейцария франкига тенг.

ТИБ ХОДИМЛАРИ УЧУН

Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Врачлар малакасини ошириш институтини Тиббиёт мутахассисларини қайта тайёрлаш институтига айлантиришга қарор қилди. Институт олий маълумотли врачларни янги талаблар асосида қайта ўқитиш, замонавий тиббий ускуналар ва дори-дармонлардан фойдаланишга ўргатиш билан шуғулланади.

Т. Туйчиев, ЎзА мухбири.

• *Қилмиш-қидирмиш*

ҲИМОЯЧИДАН ҲИМОЯ

Ўтган ойда Тошкент шаҳар Чилонзор ва Сирғали туманлари ҳуқуқий маслаҳатхоналарининг икки адвокати мижозларини алдагани ва таъмагирлиги учун қамоққа олинди. Улар маслаҳат сўраб келган фуқароларни алдаб, пулини олаётганда ашёвий далил билан қўлга тушди. "Ҳимоячи"ларнинг бири мижозидан 3 миллион сўм-купон, иккинчиси эса 3 минг АҚШ долларини ундирмоқчи бўлган. Бу воқеалар юзасидан жиноий иш қўзғатилди, ҳозир Тошкент шаҳар прокуратураси тергов олиб бормоқда.

ВОКЗАЛДАГИ ТАЛОНЧИ УШЛАНДИ

Йўловчилардан бири Жиззах станциясидаги темирйўл милициясига мурожаат қилиб, вокзал майдонида талонга учраганини айтди. Ўғри йўловчини қўрқитиб, ёнидаги бор пулини тортиб олган экан. Шошилинч чоралар туфайли шаҳардаги "Арслон" кичик корхонасининг ишчиси жиноят содир этишда гумон қилиб ушланди. Мазкур иш юзасидан тергов олиб борилмоқда.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ВАКОЛАТХОНА ОЧИЛИШИ ЖИНОЯТЧИЛИКНИ КАМАЙТИРАДИ

Норвегия полицияси "мамлакатга шарқдан хавф солаётган" уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтирмоқда. Ана шу мақсадда полиция Мурманск шаҳрида ўз ваколатхонасини очишга қарор қилди.

Мутахассисларнинг фикрича, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиёдан келтирилаётган гиёҳванд моддалар Ғарбий Европага айнан шу шаҳардан олиб ўтилмоқда.

Норвегия ташқи ишлар вазири полиция ваколатхонасини очиш хусусида Россия ҳукуматининг розилигини олса, уюшган жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги ортади.

ҚЎШИМЧА ЧОРА

Франция ташқи ишлар вазири Ален Жюппе Жазоирдаги француз фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча чоралар кўрилажагини маълум қилди.

Яқинда Жазоир пойтахтида террорчиларнинг французлар яшаётган туманга ҳужуми натижасида 5 киши ҳалок бўлган эди.

Энди Франциянинг ваколатхонаси ҳудуди жандармлар билан кучайтирилган ҳолда қўриқланади.

МУАММО ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Россия раҳбарлари чечен муаммосини ҳал этишда ҳарбий куч ишлатилмаслигини таъкидлашмоқда.

Ҳукумат раисининг ўринбосари С. Шаҳрай "Чечен халқи ўз тақдирини ўзи ҳал этиши керак, биз унга қўмаклашамиз", деди тоғлик халқларнинг Нальчикда бўлиб ўтган халқаро конференциясида.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА НАРКОМАФИЯ ҚЎЛИ БОР

Клинтон маъмуриятидаги мавжуд ҳужжатлар Колумбия янги Президентининг сайланишида наркомафия раҳбарларининг иштироки борлигини кўрсатади.

АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Роберт Гелбард вакиллар палатасининг мажлисида шуни таъкидлади. Маълум бўлишича, Эрнесто Сампер сайлов кампаниясини ўтказиш чоғида наркобизнес раҳбарларидан пул олиб турган.

АСКАРЛАР СОНИНИ ҚИСҚАРТИРМОҚЧИ

РАТА—ТАСС мухбирининг хабарига қараганда, Хитой қуриқликдаги аскарлари сонини сезиларли даражада қисқартирмоқчи.

ХХР Марказий Кенгаши айни пайтда армияни 500 минг кишига қисқартириш имкониятларини муҳокама этмоқда.

Маълумотларга қараганда, Хитой армиясида ҳозирги кунда 3 миллион нафар аскар бор. Уларнинг 2,3 фоизини қуруқликдаги ҳарбий кучлар ташкил этади.

ХАБАРНИ РАД ЭТГАН

Россиядаги Латвия элчихонасида матбуот котиби ўз мамлакатида миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари чекланаётганлиги ҳақидаги хабарни рад этди.

У Россия ҳукуматининг хориждаги русийзабон фуқаролар ҳақида қайғуришини юксак баҳолаб, "фуқаролик масалалари юзасидан келиб чиққан мураккаб тарихий муаммолар"ни халқаро ташкилотлар билан биргаликда ҳал қилиш лозимлигини таъкидлади.

АВТОБУС ВА ПОЕЗД ТЎҚНАШУВИ

5 август куни эрта тонгда Ҳарбин шаҳрида автобус ва поезд тўқнашуви натижасида 20 киши ҳалок бўлди ва 40 киши жароҳатланди.

Бу фожеа автобуснинг темир йўлни кесиб ўтиши пайтида юз берди. Автобус ҳайдовчиси ва 7 киши фожеа юз берган жойда, 12 киши эса маҳаллий касалхонада вафот этди.

БИР ТЎХТАМГА КЕЛГАНИ ЙЎҚ

Покистон Ташқи ишлар вазирлиги Карочида жойлашган Ҳиндистон консулхонасини ёпиш масаласини кўрмоқда.

Лекин унинг фаолиятини тўхтатиш ҳақида бир тўхтамга келганича йўқ. Ташқи ишлар вазирлиги вакили бу ҳақда хабар берди.

БИРДАН БИР ЙЎЛ — МУЗОКАРА

"Ҳеч қайси давлат, хоҳ у Россия, хоҳ Эрон ёки бошқа давлат бўлсин, Тожикистон ички ишларига аралашмаслиги лозим",— деди Эрон ташки ишлар вазири Али Акбар Вилоятий Женевада журналистлар билан учрашувда.

"Бизнинг фикримизча, Тожикистондаги воқеаларни ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмайди, деди у, Эрон мухолиф томонларни музокаралар бошлашга бир неча бор чақирди".

ҲАММА ГАП МАБЛАҒДА

Эстония Мудофаа вазирлиги Нарва махсус ҳарбий бўлинмасини тузишни мўлжалламоқда.

Бундан асосий мақсад мамлакатнинг шарқий чегараларини мустаҳкамлашдир. Лекин маблағ етишмаслиги сабабли бу масала тўлиқ амалга ошмаяпти.

МУЛОҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ

5 август куни бу ерда АҚШ ва КХДР вакиллари ўртасида музокаралар бошланди. Маълумки, Шимолий Корея Президенти Ким Ир Сеннинг вафоти туфайли бу музокаралар тўхтатилган эди. Мулоқотдан асосий мақсад Корея ярим оролида тинчлик ва барқарорликни таъминлашдир.

Шимолий Корея вакиллари гуруҳига ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Кан Сек Чу, америкаликлар гуруҳига эса АҚШ давлат котибининг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Роберт Галлуччи раҳбарлик қилмоқдалар.

ТЎКИН ВА АРЗОН БЎЛАДИ

Серқуёш ўлкамизда ғарқ пишиқчилик. Бозорларда тўкинсочинлик. Шаҳарлик меҳнаткашлар бозор тўла сархил ноз-неъматларни кўриб қувонса, нарх-навонинг арзонлашганидан яна суюнади. Миллий валютамиз — сўмнинг қадами қутлуғ келиб, у тўла муомалага кириши билан бозорларда нарх кескин пасайди. Сотувчию харидорнинг оғзидан тушмай қолган "фалон юз сўм-купон","фалон минг сўм-купон" сўзлари ўрнини "тийин"эгаллаяпти.

Айниқса, Наманган вилояти шаҳар ва туманлари марказидаги бозорларда тартиб ҳам, нарх-наво ҳам барқарорлашди. Бунда ҳокимлик томонидан тузилган назорат комиссиясининг хизмати катта. Унинг аъзолари саъй-ҳаракатлари билан бозорларда мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан мунтазам савдо қилувчи дўконлар очилмоқда. Бундан ташқари, жамоа, ширкат ва нжара хўжаликлари савдо ярмаркалари уюштириб, аҳолига пешма-пеш сархил маҳсулотлар етказиб бермоқда. Бошқа вилоят вакиллари ҳам наманганликлар бозорида тез-тез бўлиб туришади.

СУРАТЛАРДА: вилоят бозорларидан лавҳалар.

Турғунбек МАҲКАМОВ суратлари.

БОЗОР: ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ЧАЙҚОВЧИЛАР

Бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги шароитда кўпчилик чайқовчилар кўпайиб кетганидан нолишмоқда. Хўш, чайқовчи ким? Бугунги кунда у иллатми, фазилат? Иллат бўлса, унинг озиқланаётган замини қаерда? Аксинча, фазилат бўлса, унинг жамият ва одамлар ҳаётидаги ўрни нимада?

Чайқовчилик бу ишбилармонлик, тадбиркорликнинг бир кўринишидир, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Бу саволларга жавоб топиш анча мушкул...

Аввало, "чайқов", "чайқовчи", "тадбир", "тадбиркор", "ишбилармон" деган сўзларнинг луғавий маъноларига диққатни қаратайлик. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "чайқов" сўзи ўзак бўлган бир неча сўзлар келтирилган: **чайқов** — олиб сотарлик; олиб сотиш; олиб сотув. **Чайқов бозори** — олиб сотар савдо қиладиган бозор. **Чайқовчи** — олиб сотарлик билан шуғулланувчи шахс; олиб сотар. **Чайқовчилик** — чайқов билан шуғулланиш. Ушбу луғатда "ишбилармон", "тадбиркор", "савдогар" сўзлари эса шундай изоҳланган: **ишбилармон** — ишни, ишнинг кўзини яхши биладиган; уста. **Тадбир** — бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш воситаси; шунингдек, пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган амалий чоралар мажмуи. 2. **Тадбир** — чора, илож. **Тадбиркор** — тадбирли. **Тадбирли** — тадбир билан, пухта иш қиладиган... **Савдогар:** 1) хусусий савдо-сотиқ билан шуғулланувчи, савдо-сотиқни касб қилиб олган киши; 2) хусусий манфаати учун арзимаган нарсага ҳам талашадиган пасткашдам...

Кўринадики, бу иборалар асосан салбий маънода изоҳланган. Табиийки, бу ҳол ўша эски замон таъсири туфайли.

Бозор муносабатлари қарор топаётган ҳозирги шароитда юқоридаги сўзларнинг маъноларидаги бирмунча кенгайиб, улар ҳатто тушунчаларга, касб-кор белгиларига айланиб бораётгани сир эмас.

Савдо — инсоннинг тараққиётининг муҳим белгиси. Маданиятли жамиятларда савдосиз ҳаёт йўқ. "Маданиятли савдо", "юксак савдо маданияти" деганда, аввало, истеъмол бозорини тўлдириш, халқ фаровонлигига хизмат қилиш асосида фойда кўриш тушунилади. Бирор буюм ва маҳсулотнинг ишлаб чиқариш соҳасидан истеъмол соҳасига ўтишига кўмаклашиш, бу ўтишга кетадиган вақтни тежаш, моддий ҳаражатларни камайтириш савдонинг ижтимоий вазифасидир. Уни аъло даражада адо этишни юксак савдо маданияти ёки маданиятли савдо, деб атаймиз. Ишлаб чиқаришни истеъмол билан боғловчи кўприк савдогар ёки савдо ходимидир. Савдогарлар қадим замонлардан бери ҳожатбарор, турмуш фаровонлигини юксалтиришга ҳисса қўшувчи, мамлакатлар ўртасида дўстлик алоқаларини йўлга қўювчи, бир элдан иккинчисига маданият элтувчи кишилар бўлиб келган.

Шўролар даврида, аввало, ички ва ташқи савдо маданияти бузилди, яъни савдо давлат монополиясига айлантирилди. Давлат деҳқоннинг пахтаси, пилласи, чорвадорнинг қорақўлини арзимас пулга сотиб олиб, бир неча баробар қимматга пуллади. Жамият ҳаётидаги бу чайқовчилик "хислати" савдо аҳлига ҳам "юқди". Савдо ходими ўз меҳнатидан дуруст манфаатдор эмаслиги эса дард устига чипқон бўлди. Бу жараён харидорга нисбатан ўз манфаатини кўпроқ ўйлайдиган савдо ходимлари — "савдогарларнинг" шўровий тоифасини вужудга келтирди. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар воситачи — сотувчига ялинадиган, унинг хоҳиш-иродасига бўйсунадиган, ҳатто кўзлари мўлтираб, унга ҳавас ва ҳасад қиладиган қарам кишилар бўлиб қолишди. Магазинма-магазин юриб, қимматли вақтларимиз навбатларда совурилганларини эса айтмай қўя қолайлик.

Иккинчидан, ўша даврда хусусий мулкчилик қаттиқ қораланди. Тадбиркорликнинг, ишбилармонликнинг ҳар қандай шакли ман этилди. Озгина шахсий манфаатни ўйлаб, мулк кўпайтирганлар қувғин қилинди. Айтиш мумкинки, 30-50-йилларда собиқ СССР ғирт камбағаллар (йўқсуллар) юртига айлантирилган эди. Ишбилармонлик, тадбиркорлик билан яшашга интилиш, топиштутишни яхшилашга, масалан, чорва туғғини кўпайтиришга, бирор ҳунари билан маҳсулот ишлаб чиқаришга изн берилмас, қаттиқ тазйиққа олинарди. Адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари — бутун мафкура тарғиботи ва ташвиқоти ана шунга қаратилган эди. Лекин пинҳоний савдо, уюшиб фойда кўриш, "сиздан угина — биздан бугина" қабилида иш юритиш ҳоллари ҳам йўқ эмас эди.

Учинчидан, шўролар даврида савдо-тижорат қаттиқ чекланди. Кишиларнинг шахсий манфаати, тўғриғоғи, моддий ва маънавий манфаати давлат манфаатига зид қўйилди. Бу тақчилликка асос солди. Тақчиллик эса миллионлаб чайқовчиларни яратди.

Тўртинчидан, умуммулк дейилган мулк аслида ҳеч кимники эмас эди. Шу боис унинг учун фақат қоғозлардагина жон куйдириларди, холос. Хўжалигу корхоналарнинг аксарияти боқимандага айланиб қолганди.

Биз ана шу ахлоқ билан, ана шу меросимиз билан **бозор муносабатлари** дарвозасига қадам қўйдик. Шу боис ҳам асл тадбиркорлар билан бир қаторда фақат тор шахсий манфаатини ўйловчи ишбилармонлар пайдо бўлишдики, улар, аввало, савдо омборхоналаридаги, дўконлардаги молларга ёпишдилар. Қўли узунроқлари уйлари, ертўлаларини омборларга айлантирдилар.

Сўнгра эса маҳаллий молларга ҳам "эга" топилди. Ишлаб чиқарувчилар билан "ишбилармон" чайқовчиларнинг тил бириктириши натижасида мол магазинга эмас, яна уй-омборларга келиб туша бошлади.

Аслида ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳаракати мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, истеъмол бозорини тўлдириш мақсадида бошланган эди. Ҳуқуқ-назорат, молия, солиқ идоралари қонунлар билан ўз вақтида қуролланмагани учун ким чайқовчи, ким савдогар, ким ишбилармон, ким тадбиркор эканини баъзан ажратолмай қолдик.

Ишбилармонларнинг четдан маҳсулот келтиришига умид боғланди. Аммо уларнинг аксарияти эса... сақич, сигарет, арақ кабиларни олиб келишдан бошқага ярамаганлари ҳолда, ўзимизда бор маҳсулотлар, масалан, музлатгич, кир ювиш машинаси, чанг ютгич, электр асбобларини четга ташидилар.

Маълумки, бозор иқтисоди тобора қарор топиб, хусусий мулкчилик тараққий этиб, истеъмол бозори тўлиб, аҳоли эҳтиёжи қонгани сари ҳақиқий ишбилармон ва тадбиркорлар кўпайиб бораверади. Аммо ҳозирча ноинсофлар мавжуд экан, савдодаги қаллоблик давом этади. Унинг бошида эса чайқовчилар турибди. Бозорда маҳсулот қанча кўп бўлса, харидор танлашга тушса, муҳими — сотувчи харидорга ялинмай қўйсин-чи, ўшанда чайқовчиларнинг ҳолини кўрамиз! Нон бозорига кўпроқ нон тушиб қолганда, новвойлар "меники иссиқ!" деб сизни шошириб қўйгани рост-ку!

Ҳа, инсофсизлик — чайқовчиликнинг ўқ томири. Уни фақат иқтисодий йўл, яъни бозорни тўлдириш билан йўқотиш мумкин. Шу боис ҳам ҳозир том маънодаги воситачиликка янада кенг йўл очиляпти. Ижозимконини топганлар давлатга солиқ тўласин-да, воситачилик қилаверсинлар. Масалан, воситачи-савдогар деҳқон билан келишиб, қовун-тарвузни пайкали билан харид қилиб олсин, бозорга келтириб сотсин. Аммо аввал солиқ тўлаб қўйсин! Бундай савдодан деҳқон ҳам, савдогар-воситачи ҳам, жамият ҳам наф кўради.

Халқда "Инсоф сари барака", "Ўғри бўл, ғар бўл — инсофли бўл" деган иборалар бор. Эски китобларда ёзилишича, савдогар мол сотиб кўраётган фойдани яшириб, яъни "бу молни фалон сўмга олдим, фалон сўмга сотаман", деб очиқ айтиши шарт экан.

Ғуломжон ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

• Бугуннинг гапи

МИЛЛИЙ ПУЛИМИЗ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ РАМЗИ

Газетада республика Марказий банки аҳоли ўртасида миллий валюта — сўмимизни кенг тарғиб қиладиган публицистик асарлар танлови ўтказиш ҳақидаги хабарни ўқиб, қувондим. Бу танлов жуда зарур ва айни вақтида ўтказилаяпти. Чунки одамлар ўртасида сўмимизни ҳурматлаш, унинг қийматини мустаҳкамлаш, бошқа давлатлар билан бўладиган муомалаларда қадрини ошириш борасида кенгроқ тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришимиз лозим.

Ҳар бир жисмоний ёки ҳуқуқий шахс кўпроқ пулга эга бўлишга ҳаракат қилади. Негаки, "пул — ўзига хос товар, барча товарлар қийматининг умумий эквиваленти ёки умумий эквивалент шакли. Пул товарининг ўзига хос хусусияти — ҳар қандай товарнинг қийматини ифодалаши, айирбошлашда умумий восита бўлиб хизмат қилишидир", деб билади "Ўзбекистон энциклопедияси" (9-том, 106-бет).

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллий пулимиз — сўм ҳам байроғимиз, мадҳиямиз, гербимиз каби мустақиллигимизнинг белгиси — муқаддас давлат рамзи эканлигини билиши ва чуқур ҳис қилиши керак.

Давлат мадҳиямиз чалинганда ўрнимиздан туриб, байроғимиз ва гербимизни кўрганда юзимизга табассум югуриб, кўнглимиз ғурурга тўлгани каби миллий пулимиз — сўмни ҳам ана шундай даражада эъзозлаш даркор. Бизда пулга нисбатан ҳурматсизлик бўлганми? Ҳа, афсуски, бўлди. Кейинги пайтларда тўйларда дастадаста пуллар — сўм-купонларни сочиш одатга айланди. Бу ҳам етмагандай азиз-авлиёларни зиёрат қилганда уларнинг мозорига пул ташлашимиз-чи? Ахир, ҳар бир имонли мусулмон ёлғончи дунёдан чин дунёга рихлат қилган буюк шайхлар, валийлар ва авлиёларга пул эмас, фақат Қуръон тиловати зарурлигини билиши керак-ку. Садақа қилишга атаган пулингиз бўлса, марҳамат, деярли ҳар бир зиёратгоҳга қўйилган ва оғзи муҳрланган махсус қутичаларга ташланг. Чанқовбосди ичимликлар қуйилган шишаларга этикетка ўрнига сўм-купонларни ёпиштиришаётганини "Халқ сўзи"да ўқиб, ёқа ушладик.

Давлатимиз мустақил бўлгач, ўз байроғимизга, гербимизга, мадҳиямизга, Конституциямизга эга бўлдик. Чет эллик олий мартабали меҳмонлар ташриф буюрганда аэропортда мамлакатимиз Куролли Кучлари вакилларидан иборат фахрий қоровул билан кутиб олиш расм бўлди. Бу белгилар фақат мустақил давлатлардагина бўлади. Аммо иқтисодий мустақиллигимизни таъминлашнинг асосий механизмларидан бири — пул бирлиги энди жорий этилди. Бу воқеанинг яна бир қувончли ва фахрли томони шундаки, пулимиз ўзимизда босилмоқда.

Собиқ СССР республикалари ўз пулларини чиқара бошлагач, бизнинг шаҳарларимизда ҳам пул бозорлари пайдо бўлди. Бу ҳуфия бозорларда ўзбек сўми, қозоқ тангаси, қирғиз соми, туркман манати, Россия рубли ва Америка доллари бозор курсларида алмаштирилмоқда. Ички ишлар ва солиқ идораларининг бу бозорларни йўқотиш бўйича қилаётган саъй-ҳаракатлари зое кетмоқда.

Қадимда Ўрта Осиёда тангаларни алмаштириш билан саррофлар шуғулланишган. Бу эса судхўрликнинг ривожланишига олиб келган. Кейинчалик саррофларнинг кўпчилиги банкирларга айландилар, улар феодал, ҳунарманд, савдогарларга қарз бера бошладилар. Капиталнинг дастлабки жамғарилиши даврида судхўрликнинг ривожланиши капиталистик муносабатлар ўрнатиш жараёнини тезлаштирди. Феодализмдан капитализмга ўтиш жараёнида эса пул алмаштирувчи муассасалар ўрнида банклар ташкил топди.

Варшава шаҳрига борган бўлсангиз, у ерда ҳар бир мавзеда, кўчаларда бир чақирим масофа оралиғида катта дўконларга ва бозорларда эса "Контор" деган ёзувга кўзингиз тушади. Ана шу кичик, мўъжазгина 1 ёки 2 одам ишлайдиган "контор"ларда дунё мамлакатларининг 20 га яқин пули бир-бирига ва поляк элотихига эркин алмаштирилади. Қаттиқ валюта ҳисобланмайдиган рус рубли ҳам алмаштириш учун бемалол қабул қилинавераркан. Бунда ҳам давлат ютади, ҳам аҳоли. Чунки қалбаки пулдан муҳофазаланилади. Африка қитъаси давлатлари ўртасида бозор муносабатларини белгиловчи Нигерия давлатида ўз миллий валюта асл — нигердан бошқа биронта валюта муомалага киритилмайди. Лекин банкларда барча валюталар нигерга ва аксинча, бошқа пулларга эркин алмаштирилади.

Сўмимизнинг қадрини ошириш учун биз ҳам юқоридаги усулларни янада кенгроқ миқёсда қўллашимиз керак. Бундан ташқари, уни бутун дунёда тан олдириш, бошқача айтганда, конвертирлаш учун ҳар бир сўм товар билан таъминланиш лозим. Товар бўлганда ҳам сифатли, дунё бозори рақобатига чидайдиган маҳсулот бўлиши даркор. Мамлакатда экспорт импортдан устун туриши зарур. Бунинг асосида эса катта меҳнат ётади. Тинч, осойишта турмуш тарзимиздан фойдаланиб, ҳар бир одам астойдил меҳнат қилса, мамлакатимизга чет эл сармоялари билан бирга янги техника ва технологиялар янада кўпроқ келтирилса, пулимиз, албатта эркин муомаладаги валютага айланажак.

Баҳодир БОБОЖОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

• Газетхон таклифи

...ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА

Узоқ йиллар "Болалар-бизнинг келажагимиз" дея турфа шиорларни тилдан туширмадигу уларнинг ўзини эса унутдик. Келажагимиз ворисларининг кўпи нимжон, маълумоти саёз бўлиб қолди. Чунки, неки қишлоқ хўжалиги юмушлари бўлсин, болалар жалб этиларди. Бугун эса аҳвол ҳам, шароиту давр ҳам кескин ўзгарди. Юртимизда соғлом авлод учун қайғурилаётган бир пайтда болаларимизнинг баркамол бўлиб етишиши йўлида кенг имкониятлар очилди.

"Бир болага етти маҳалла ота-она" деган нақл бор. Кўп йиллик педагогик фаолиятим мобайнида фарзанди тарбияси учун ота-онасини ҳамкорликка чақиришга келган ўқитувчиларга нисбатан "маошни олганингиздан кейин тарбияланг-да" деган таъна-дашномларни кўп эшитганмиз. Ваҳоланки, фарзанд тарбиясида ота-она ўқитувчиларга нисбатан масъулиятлироқ бўлмоғи керак.

Айтайлик, бирор ўқувчи тартиббузарлик қилса, "қайси мактабдансан?" деб сўрашади. Ахир уларни тарбиялаб вояга етказаётган маҳалла-кўй, ота-онаси ҳам бор-ку! Нега улар ҳақида ҳеч ким сўрамайди?

Давр тарбия масаласида биздан катта масъулият талаб қилмоқда. Бу хайрли ишни амалга оширишда эса мактаб ва ота-она муносабатини яхши йўлга қўйиш даркор. Менинг назаримда фарзандлар камолини ўйлаган ота-она ҳам ҳамкорликнинг турли йўналишларини изламоқда. Биз келгуси ўқув йилидан бошлаб ота-она ва ўқитувчи ўртасида шартнома тузиш ниятидамиз. Айтайлик, ота-она зиммасига боланинг ўқишга мунтазам бориши, уларнинг умумтаълим қоидаларига риоя қилган ҳолда кийинтирилиши, ота-оналар йиғилишларида иштирок этиш сингари вазифалар юклатилса, ўқитувчига юқори савияда билим беришни таъминлаш, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, бетоблиги боис дарсга қатнаша олмаган ўқувчининг ўзлаштириши учун қўшимча машғулотлар ташкил қилиш мактаб маъмуриятининг зиммасига юклатилади. Агар шундай қилинса, келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсишларига имкон яратилган бўларди.

Тажриба сифатида қўлланилиши кўзда тутилаётган ушбу шартнома мактаб билан маҳаллалар ўртасидаги шартноманинг ажралмас қисмидир. Шунда фарзандлар тарбияси нафақат ота-она ёки мактаб, балки маҳалла-кўй, кенг жамоатчиликнинг ҳам мукаддас ишига айланса, ажабмас.

Қундуз ДАДАМУРОТОВА,
Тошкент шаҳридаги 134-мактаб ўқитувчиси.

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ ЯХШИ-ДА!

Жиззах мебель фабрикасида ғўзапоя ва ёғоч қипиғидан ёғоч-толали плиталар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозир ойига 600 квадрат метргача аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиб, жавон, каравот ва бошқа мебелар ясалмоқда.

Фабриканинг қад кўтариши осон кечгани йўқ. Қурилиш 13 йил муқаддам бошланган, кейинчалик тўхтатиб қўйилган эди. Ниҳоят бу йил ишлар битиб, корхонага дастгоҳлар ўрнатилди. Ҳозир бу ерда 170 нафар ходим меҳнат қилади. Хитойдан келтирилган ёғоч-толали плита ишлаб чиқарадиган линия ўрнатилгач, энг мураккаб муаммо — хомашё муаммоси ҳал қилинди. Маълумки, ёғоч-тахта республикамизга асосан Россиядан келтирилади, ғўзапоя эса ўзимизда етарли. Жиззах фабрикасида ғўзапоядан тайёрланган плиталардан Ўзбекистон мебель саноатининг бошқа корхоналарида ҳам фойдаланилмоқда.

(ЎзА мухбири).

"БАРИШ ТИЖАРЕТ" шў'ба ширкати нақд пулсиз тўловларга қуйидаги молларни сотиб олишга эҳтиёжи бор:

1. Пахта ипликлар (№34-1;2 ва №54-1;2).
2. Бўз матолар (эни 145 см дан юқори ва қалин бўлиши лозим).
3. Жайдари қўйлар терилари (70 дц. дан катталари ва 1 навлари бўлиши лозим).

Шунингдек ушбу ширкатнинг Тошкентдаги омборидан пилорама сотилади (Туркия маҳсулоти). Биз учун ҳар турли тўловлар қулайдир. Маълумот учун телефонлар: 41-00-72, 41-01-72.

Халқлар Дўстлиги нишонли Тошкент давлат Аграр университети профессор-ўқитувчиларнинг бўш ўринларни тўлдириш мақсадида ўзбек ва рус тилини биладиган профессор-ўқитувчилар учун кафедра мудирлиги ва ўқитувчилик лавозимлари бўйича битим асосида танлов ЭЪЛОН қилади.

КАФЕДРА МУДИРЛАРИ:

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари анатомияси, физиологияси ва ветеринария асослари; бухгалтерия ҳисоби; генетика; умумий зоотехния; микроиқтисодиёт; иқтисодиёт назарияси; мевачилик ва узумчилик; қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш; фалсафа; қишлоқ хўжалик энергетикаси; молия, банк, баҳо тизимлари ва ҳуқуқ; ўзбек тили ва адабиёти; маданият, ижтимоий психология ва педагогика.

ПРОФЕССОРЛАР:

Умумий зоотехния; иқтисодий кибернетика - *0,5.*

ДОЦЕНТЛАР:

Қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик фаолияти таҳлили - *2*; қ/хўжалик ҳайвонлари анатомияси, физиологияси ва ветеринария асослари; ўсимликлар физиологияси ва биокимё; бухгалтерия ҳисоби - *4*; олий математика - *2*; ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси - *3*; органик ва физколлоид кимё; қ/хўжалик мелиорацияси - *2*; микроиқтисодиёт - *4*; иқтисодиёт назарияси; хусусий зоотехния; селекция ва уруғчилик; қ/хўжалигида ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш - *3*; фалсафа - *2*; ипакчилик ва тутчилик; қ/хўжалик энергетикаси - *2*; молия, банк, баҳо тизимлари ва ҳуқуқ - *7*; ҳисоблаш техникаси ва информатика; сиёсатшунослик; маданият, ижтимоий психология ва педагогика - *3*; агробизнес ва менеджмент - *7*; Ўзбекистон тарихи - *2*;

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:

Бухгалтерия ҳисоби -*2*; фуқаро мудофааси; ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси; жисмоний тарбия; молия, банк, баҳо тизимлари ва ҳуқуқ; чет тили - *3*; агробизнес ва менеджмент - *3*.

ЎҚИТУВЧИЛАР:

Жисмоний тарбия - *4*; чет тили - *7*.

АССИСТЕНТЛАР:

Агрокимё; қ/хўжалик корхоналарида хўжалик фаолиятини таҳлили - *4*; қ/хўжалик ҳайвонлари анатомияси, физиологияси ва ветеринария асослари - *2*; энтомология ва ўсимликларни ялпи ҳимоя қилиш - *4*; фуқаро мудофааси; генетика; олий математика; умумий зоотехния - *2*; ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси; сабзавотчилик - *3*; деҳқончилик - *2*; қ/хўжалик мелиорацияси; микроиқтисодиёт - *5*; мевачилик ва узумчилик - *6*; тупроқшунослик; хусусий зоотехния - *4*; селекция ва уруғчилик; қ/хўжалигида ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш; фитопатология ва микробиология - *2*; пахтачилик - *2*; ипакчилик ва тутчилик - *6*; макроиқтисодиёт - *3*; иқтисодий кибернетика - *4*; қ/хўжалик энергетикаси; молия, банк, баҳо тизимлари ва ҳуқуқ - *5*; ҳисоблаш техникаси ва информатика - *2*; сиёсатшунослик - *2*; маданият, ижтимоий психология ва педагогика; агробизнес ва менеджмент - *2*; Ўзбекистон тарихи - *2*.

Танлов муддати - эълон босилиб чиққан кундан бир ой муддат ичида битим бўйича танлов низоми асосида ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга топширилади: Тошкент вилояти, Халқлар Дўстлиги нишонли Тошкент давлат Аграр университети.

КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ангрен картон-идиш комбинати корхона ва ташкилотлардан

МС-6 русумли қоғоз чиқиндилари (картон ва картон буюмлари)ни қуйидаги нархда қабул қилади: тоннасини 700 сўмдан, пул ўтказиш орқали, қолган русумдаги чиқиндиларнинг тоннасини 550 сўмдан.

Қоғоз чиқиндилари аҳолидан қуйидаги халқ истеъмоли молларига айирбошлаш йўли билан қабул қилинади: сигаретлар, кир ювиш пастаси, хўжалик ва атир совун, эркаклар кўйлаги, тиш ювиш пастаси, шампунь, гуруч, макарон маҳсулотлари, майонез, қуюлтирилган сут, салат ёғи, вино.

Тошкент шаҳридаги аҳолидан қоғоз чиқиндиларини қабул қилиш пунктлари (қ/п) ва маълумотлар олиш учун телефон рақами: 41-34-10.

Ҳамза тумани:	қ/п № 6	Динамо кўчаси, 72
	қ/п № 39	Шолохов кўчаси
	қ/п № 52	Мальков кўчаси
	қ/п № 25	Бирлашган кўчаси 37/2
	қ/п № 60	Лисунов кўчаси
	қ/п № 77	Ғалабанинг 40 йиллиги даҳаси 1-квартал
	қ/п № 73	Фарғона йўли, 95
Миробод тумани:	қ/п № 24	2-Мирсолиҳов беркўчаси
	қ/п № 49	Подъемник кўчаси, 1
	қ/п № 8	Октябрь кўчаси, 22, тел. 91-08-62
Чилонзор:	қ/п № 10	26-квартал, тел. 72-02-89
	қ/п № 11	Жарқўрғон кўчаси, 47, тел. 96-52-71
Олой бозори	қ/п № 12	Малясов кўчаси, 2, тел. 35-06-10
Самарқанд шаҳри	қ/п № 17	Беруний кўчаси, 117, тел. 24-02-44, 24-21-36
Фарғона шаҳри	қ/п № 18	Қувасой кўчаси, 61, тел. 4-50-73
Каттақўрғон шаҳри	қ/п № 19	Толстой кўчаси, 121, тел. 5-22-48
Қўқон шаҳри	қ/п № 20	Совет кўчаси, 62, тел. 2-31-91
Янгийўл шаҳри	қ/п № 21	Гагарин кўчаси, 1, тел. 7-50-64
Ангрен шаҳри	қ/п № 1	Навоий кўчаси, 22
	қ/п № 2	Южний кўчаси, 43, АКТК ётоқхонаси
	қ/п № 3	5/5 квартал, 14-уй
2-Янгиобод шаҳри	қ/п № 4	қурилиш ашёлари дўкони
Нуробод шаҳри	қ/п № 5	"Универсам" дўкони
Бекобод шаҳри	қ/п № 6	13-дўкон
Олмалиқ шаҳри	қ/п № 7	Тошкент кўчаси
Бўка шаҳри	қ/п № 8	Босмахона
Андижон шаҳри		Октябрь кўчаси, 14, тел. 5-41-43
Ургани шаҳри		тел. 3-35-88

• 1994 йил — оила йили

Оила фарзанд учун ҳам макон, ҳам униб ўсадиган жойдир. Оила — жамиятнинг асоси, деб бекорга айтмайдилар. Демак, хонадонда ҳикмат кўп. Унинг равнақидан эса барча манфаатдордир. Ана шундай қутлуғ тушунча — оиланинг маъно ва мазмуни оналар билан сайқал топади, жилоланади.

БЕКОЙИМ АЯНИНГ МАТОНАТИ

Она ҳақида, унинг оилада тутган ўрни тўғрисида жуда кўп ёзилган. Унинг меҳри тафтини қуёшга ўхшатишади, қалбини уммонга тенглаштирадилар. Ҳаётнинг давомийлиги ҳам оналарнинг номи билан боғлиқ. Улар инсоният ҳаётининг давомчиларидир. Ҳа, оналарни қанчалик ҳурмат қилсак, уларнинг иззат-икромини жойига қўйсак шунча оз, барибир уларнинг хизматларини тўла адо этолмаймиз. Волидаларнинг оилани мустаҳкамлашдаги оқилаликлари доимо таҳсинга сазовор бўлган ва шундай бўлиб қолаверади.

Оналарнинг буюклиги, улуғлиги ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр Бекойим аянинг матонати ёдимга тушаверади.

Одамзод ёруғ дунёга келибдики, бир эзгу орзу билан яшайди. У ҳам бўлса фарзанд кўриб ўзидан насл қолдириш умидидир. Бу иштиёқ дунёдаги барча оиланинг энг катта умиди бўлган ва шундай бўлиб қолади. Бекойим Абдураҳим қизи ҳам фарзанд умидида яшарди. Аммо не учундир ҳар гал ой-куни яқинлашган сайин она ўзини нохуш ҳис қилиб, юз минг азоблар билан фарзанд кўрар эканлару, аммо бола жонсиз туғиларкан. Шу тариқа Бекойим ая кетма-кет уч марта фарзанд доғини бошидан кечиради. Нақадар аянчли кўргилик... Аммо болажонлик кайфияти, оналик ғурури уни ва оиласини ҳеч қачон тарк этмас, тинчлик бермас эди. Чунки фарзанд нафақат зурриёт, балки муқаддас оиланинг таянчи, қувончи ҳамдир. Айниқса у кишининг иккиқатлик пайтидаги изтиробларини изоҳлаш амри маҳол. Турли хил шум хаёллар тинчини бузиб қўйганлиги туфайли тинимсиз руҳан азоб чекарди. Ваҳимали хаёллар шўрлик аёлни бир сиқим қилиб қўйганди.

Кунларнинг бирида шифокор опага жарроҳлик йўли билан болани асраб қолиш мумкинлигини айтиб қолади. Сўрабсуриштириб Тошкент тиббиёт институтида ишлайдиган таниқли шифокор Шороховага учрашадилар. Унинг тинимсиз муолажалари ва самимий маслаҳатлари ўринли бўлди. Ой-куни яқинлашаётган Бекойим аяни бот-бот тиббий кўрикдан ўтказиб, соғлиғини доимо назорат қилиб турди. Ва ниҳоят, 1923 йил 31 январда жарроҳлик йўли билан Бекойим аянинг кўзи ёриб, чақалоқ омон-эсон дунё юзини кўрди. Тиббиёт илми ўз натижасини кўрсатиб, бу оилага ҳам қувонч улашди. Ҳаётнинг бу инъомидан қалблари жумбушга келган Собир амаки хонадони зиёга тўлгани учун ушбу қувончли тадбирнинг муваффақиятли чиққанлигини шарофатлиликка йўйдилар. Тиббиёт илми ва шифокорларнинг муваффақияти шарофатига эсон-омон туғилган чақалоққа эзгу ниятлар билан донолик, ақллилик маъносини англатадиган Ҳикмат деб исм қўйдилар. Собир амаки ҳам, Бекойим ая ҳам маърифатли инсонлар бўлганликлари учун маҳалла-қўйда, эл-юрт орасида обрў-эътиборлари баланд эди. Зиёли оилада ёш Ҳикмат илмга муҳаббат руҳида вояга етди. Ўзининг тиришқоқлиги билан ўртоқларидан ажралиб турувчи бу ўсмир мактабда ҳам аъло баҳоларда ўқиди.

Ҳозир у киши иқтисод фанлари доктори, профессор даражасига эришганлар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи унвонининг соҳибидир. Домла умрининг эллик йилини иқтисодчи мутахассислар тайёрлашдек савобли ишга сарф этди. Ам о мен шу ўринда зукко муштарийларнинг диққатини масаланинг бошқа бир томонига қаратмоқчиман. Ўшанда минг азоб-уқубатлар эвазига дунё юзини кўрган чақалоқдан кейинчалик тўрт нафар фарзанд вояга етди, уларнинг учтаси олимдир. Бугунги кунда Ҳикмат Собир ўғлининг насли ўттиз кишига яқинлашиб қолди. Аммо профессор ҳамон сафда, ўз билим ва тажрибасини ёш авлодга ўргатиш билан банд.

Мана азизлар, битта савобли иш қанчалик шарофатли натижалар бериши мумкин экан. Бунда биз энг аввало табаррук зот – онанинг матонати эзгу мақсад йўлидаги қатъий саъй-ҳаракатига тасаннолар айтишимиз керак. Ўз оиласини чидам ва сабот билан ҳаёт сўқмоқларидан, турмуш чиғириқларидан олиб ўта олган Бекойим аяни мушфиқ, жонкуяр ўзбек аёлининг рамзи, дейиш мумкин.

Мусоқул УСМОНОВ,
Тошкент молия институти тарих кафедрасининг мудири, профессор.

Дўппи тикдим, ипаклари тилладан... Ҳ. МАМАТҚУЛОВ фотолавҳаси.

• Истиқлолнинг уч йиллигига

Дўстлик оҳанглари янграйверсин

Республикамизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оға-инидек аҳил яшамоқдалар. Уларнинг билим олиш ва ишлашлари, ўз эътиқод ва анъаналарига риоя қилишлари учун барча шарт-шароит мавжуд. Республика байналмилал маданият маркази доирасида Тошкентда иш олиб бораётган 25 та маданий марказ фаолияти бунинг ёрқин мисолидир.

Шу кунларда байналмилал маданият маркази ташаббуси билан Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб, маданий марказлар фестивали ўтказилмоқда. Ҳозиргача қозоқ, татар, бошқирд, рус, украин, беларус, уйғур, тожик, корейс, озарбойжон,турк маданий марказлари тайёрлаган ранг-баранг дастурлар намойиш этилди.

Яқинда эса санъат саройида озарбойжон ва турк маданий марказларининг фестивали бўлди. Унда икки қардош миллат вакиллари, Туркия элчихонаси ходимлари иштирок этдилар. Фестивал халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликнинг ёрқин намойишига айланди. Унда ижро этилган ўзбек, озарбойжон, турк ва бошқа тиллардаги куй ҳамда қўшиқлар кўпчиликкка манзур бўлди. Энди арман ва грузин маданий марказлари аъзолари ўз маҳоратларини намойиш этишади. Фестивал август ойининг охирларида халқлар дўстлиги саройидаги якунловчи катта концерт билан ниҳоя топади.

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мамлакатимиздаги миллатлараро тотувликка боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Фестивал давомидаги учрашувлар, мулоқотлар, концертлар эса дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

(ЎзА)

• Муштарий бонг уради

40 минг рублимизни шилиб олишган ширакайф проводниклар

Хизмат юзасидан яқинда Москвага боришга тўғ ри келди. Биласиз, узоққа чиқиш анча қийин: бир томондан юриш-туриш қиммат бўлса, иккинчидан, билет топиш амри маҳол. Шунинг учун 26 июль куни амакимиз бизга ҳужжат жўнатишнинг имкони бўлмаганлиги учун Москвадан ўзининг номига билет олган эди. Ва биз шу куни қўлимиздаги билетга мувофиқ 86-поезднинг 6-вагонига чиқдик. Проводниклар, дастлаб, билет ва паспортларимизнинг ҳар хиллигини кўриб, бизни поездга чиқишимизга қаршилик кўрсатишди. Бир оз ўтгач: "Майли, чиқинглар, фақат пича харажати бор", дейишди. Ноилож, рози бўлдик.

Йўлда кетаетиб, проводниклар биздан ўша "рози"лик учун 80 минг россия рубли беришимизни талаб қилишди. Аёл эмасмизми, ширакайф проводниклар билан "ади-бади" айтиб ўтиришни ўзимизга эп кўрмай, ялиниб-ёлвориб, 80 минг эмас, 40 минг Россия рубли беришга кўндирдик. У эса биздан 40 минг рубль олганликлари ҳақида ҳеч қандай қоғоз беришмади. Биз олдин шу пулни ўзимизнинг миллий пулда тўласак-чи, деб анча ялиниб-ёлвориб ҳам кўрдик. Лекин ҳеч қандай натижа чиқмади...

Х. МАЪДИЕВА,
Р. ИКРОМОВА.

• Жиноят жазосиз қолмайди

ХАЛҚНИНГ ПУЛИ ЎЗИГА ҚАЙТАДИ

Чортоқ туман матлубот савдо ишлаб чиқариш жамияти уюшмасида 1994 йил июнь ойида ўтказилган текширишда бу савдо ташкилотининг сотувга чиқариладиган товарларга савдо устамалари белгиланганидан юқори миқдорда қўйиш натижасида ноқонуний равишда 16440 минг сўмдан ошиқроқ даромад олгани аниқланди. Бу пул юз фоиз молиявий жаримаси билан 32880 минг сўм қилиб бюджетга олиниши лозим деб топилди. Халқнинг пули ўзига қайтадиган бўлди.

ХЎЖАСИНИНГ ЧЎНТАГИГА ИШЛАЙДИГАН ТАРОЗИЛАР

Навоий вилоятидаги бозорларда ўтказилган текширишларда тарозиларнинг асосий қисми Давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Давлат стандарти тамғаси йўқ бу тарозилар харидор ҳақидан (ҳар килограммидан) 40 граммдан 150 граммгача уриб қолиб ўз хўжайини чўнтагига "қўшимча даромад" келтираётган экан.

"КАШФИЁТИ"ГА ЯРАША "РАҒБАТ" КУТЯПТИ

Наманган шаҳрида яшовчи Абдурашид Қориев ўз "кашфиёти"дан масрур бўлганча, меъёрланган миқдорда сотилган гуручнинг оз эмас, кўп эмас – 10 тоннасини олиб, ҳужжатсиз хурмачаси кўтарган нархларда сотаётганда қўлга тушди. Энди Қориевни "кашфиёти"га яраша "рағбат" кутаяпти. (ЎзА).

Масъулияти чекланган "Нафосат" жамияти Тошкентдаги омбордан компьютерлар ва Беларусда ишлаб чиқарилган трикотаж маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан сотади.
Тел.: 69-95-82, 62-74-86.
Манзилгоҳимиз: Академиклар шаҳарчаси, Ф. Хўжаев кўчаси, 33. М.Горький метро бекатидан - 83, 96, 17 автобусларнинг, 6, 13, 22 трамвайларнинг ҳамда, 9,17,18 троллейбусларнинг, Академгородок бекати

• "Хотира-94"

УЙЧИЛИКЛАР ЯНА ПОЙТАХТДА

Ўшанда "Пахтакор" Ставрополнинг "Динамо" жамоасини қабул қилаётганди. Ўйингоҳга ҳар доимгидек тумонат одам йиғилди. Икки қатор бўлиб саф тортган, қўлида кичкина-кичкина "тугун"чалар кўтариб олган 15 га яқин болани паттачи "ҳа" деганда ўйингоҳга киритавермади. Фақатгина Ахбор Имомхўжаевнинг аралашуви билан уларни ўйингоҳга киришига ижозат берилди. Бу болалар Наманганнинг Уйчи туманидан марҳум пахтакорчиларни хотирлаш учун пойтахтга ташиф буюрган Мамадали Мўминов шогирдлари эди. Шундан кейин футбол мутахассисларида марҳум пахтакорчилар ҳалок бўлган йилда туғилган болалар ўртасида мусобақа ташкил этиш ғояси пайдо бўлди.

"Хотира" деб аталмиш, 1990 йилдан бери ўтказилиб келинаётган бу анъанавий турнирда шу даврга қадар 15 дан ортиқ команда иштирок этди. Жумладан: Россиянинг "Горизонт" (Барнаул), "Нефтехимик" (Пермь), болалар ва ўсмирлар олимпия ўринбосарлари махсус мактаби (Челябинск), Украинанинг "Динамо" (Киев), Тожикистоннинг "Помир" (Душанбе), Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (Қўрғонтепа), Туркманистоннинг "Копет Доғ" (Ашгобод), Татаристоннинг болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (Нижнекаменск), республика-мизнинг БЎОЎММ (Самарқанд), "Хотира" (Уйчи), "Сурхон" (Термез), БЎСМ (Қувасой), "Старт", БЎСМ-3, "Текстильшчик", РОЎБЮ ҳамда "Пахтакор" БЎОЎММ (ҳаммаси Тошкент шаҳридан) клуб жамоалари ўзаро куч синашиб келдилар.

Дастлабки йили (1990) махсус соврин "Горизонт" жамоасига насиб этган бўлса, пахтакорчилар қаторасига икки йил қолибликни қўлга киритишди (1991-92). Ўтган йили эса омад Тошкент шаҳар олимпия ўринбосарлари билим юртига насиб этди. Мазкур йилда ҳам бу анъанани давом эттириш учун талай ишлар қилинди. Мусобақани юқори савияда ўтказиш "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси зиммасига тушди. Бироқ ҳомийлар, мусобақа ташкилий қўмитаси аъзолари қанчалик саъй-ҳаракат қилишмасин, таклиф этилган чет жамоаларнинг аксарияти турли иқтисодий сабаблар туфайли юртимизга келишолмади.

Бошқа давлатлар жамоаларининг қатнашмаётганлиги балки узрлидир, лекин Самарқанд вилояти командасининг ҳеч қандай сабабсиз иштирок этмаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин. Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтиш керак. Уйчининг "Хотира" командаси ҳақида яхшигина маълумотингиз бор. Жамоа ҳар қандай оғир шароитга қарамай, марҳумлар хотираси учун ўз вазифаларини адо этишади. Турнир бўлиши-бўлмаслигидан қатъий назар (эсланг, ўтган йили мусобақа муддатида ўтказилмади) улар ҳар йили 11 августда марҳумлар қабрига гуллар қўядилар, сукут сақлаб ёдга оладилар. Бу safар ҳам пойтахтга йўл олиш улар учун анча қийинчилик туғдирди. Гарчи Уйчи тумани ҳокимлиги ҳомийлик қилаётган бўлса-да, команданинг барча эҳтиёжларини, жумладан, йўл харажатларини қондиришни уддалай олмади. Натижада анъанавий турнирда қатнашишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб билган ёш футболчилар ота-оналарининг кўмаги билан Тошкентга келдилар. Аҳвол бу қадар бўлса ҳам жамоа бош мураббийси Мамадали Мўминов Уйчи туман спорт қўмитаси раиси Жўрахон Зокиров шаънига ёмон гап айтишни хоҳламади, балки унга кўрсатаётган "ердамлари" учун миннатдорчилик билдирди.

Мусобақада саккиз жамоа ғолиблик учун тўп суришяпти. Булар, Бишкек, Душанбе шаҳар жамоалари, "Хотира", "Пахтакор" БЎОММ, "Текстильшчик" спорт клуби Тошкент шаҳар олимпия ўринбосарлари билим юртининг биринчи ва иккинчи марта ҳамда 1978 йилда туғилган болалар терма жамоаларидир. Ўйинлар Тошкент шаҳар ОЎБЮ ва "Текстильшчик" стадионларида ҳар куни икки маҳалдан ўтказилмоқда. Учрашувларни Бобур Ҳайдаров бошлиқ республика ҳамда биринчи тоифадаги ўнта ҳакамлар бошқаришяпти. Ҳал қилувчи учрашув 11 август куни ўтказилади.

Энди эътиборингизга бўлиб ўтган биринчи тур натижаларини ҳавола этамиз. "Текстильшчик" – "Пахтакор" – 1:7, Тошкент шаҳри ОЎБЮ-1 – Тошкент шаҳри ОЎБЮ-2 – 4:1, "Хотира" – Бишкек – 0:3.

Ойбек ЮНУСОВ,
"Халқ сўзи"нинг жамоатчи мухбири.

TASHKOCAUTO

"ТОШКОЧАВТО" TOFAŞ
ўзбек-турк қўшма корхонаси "Тофаш"
(ҳамма русумдаги "Доган", "Картал", "Темпра", "Типо-Уно" ва бошқа)
автомобилларига тез ва сифатли техник хизмат кўсатишни кафолатлайди.
Манзил:
Тошкент ш., Ойбек шоҳ кўчаси,47-уй (Метронинг Ойбек номли бекати ёнида).
Тел.: 33-83-27, 33-82-69, 54-83-98.
Факс: 33-82-69
"ТОШКОЧАВТО":
автомобил сизники, биздан хизмат.

Германиянинг бешта: *"Опель", "БМВ", "Мерседес", "Фольксваген" ва "Ауди"* автомашина фирмаларининг Ўзбекистондаги ишончли вакили, масъулияти чекланган "Қувонч" фирмаси юқорида номлари кўрсатилган автомашиналарни, шунингдек, хориж ва республикамизда чиқарилган фойе, вестибюл, иш, дам олиш ва ухлаш хоналарига мўлжаллаган бежирим мебелларни сотади.
Телефонларимиз: *33-51-15 ва 33-35-60.*
Масъулияти чекланган *"Қувонч"* фирмаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ҳамда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари қўмитаси шу қўмита аъзоси, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Баҳодир Йўлдошевга отаси **Усмонжон ЙЎЛДОШЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси республика соғлиқни сақлаш вазирининг муовини, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Б. Йўлдошевга отаси **Усмонжон ЙЎЛДОШЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги жамоаси вазирнинг биринчи муовини Т. Ғ. Раҳимовга рафиқаси **Раъногон РАҲИМОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хорижий мамлакатларга эшиттиришлар республика радиоси жамоаси Хитой учун эшиттиришлар бош муҳарририятининг ходими Руқият Толиповага онаси **София ТОЛИПОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО
● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, "Халқ сўзи"), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, "Халқ сўзи"), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, "Народное слово"), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, "Народное слово"), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров, навбатчи — Т. Долиев.

Рўйхатдан ўтиш тартиб №0001 Буюртма Г. — 1053 70362 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топширилди — 24.00.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк турон» кўчаси, 41. 123456 Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти — 21.00.